

Ushbu
sonda:

Муомала-
маданиятнинг
кутилмаган
оқибатлари

2-бет

ТИББИЙ
ХИЗМАТЛАР
БЕПУЛМИ ЁКИ
ПУЛЛИК?

3-бет

ҲАЁТИМИЗ
НУРИСИЗ,
ОТАЖОН!

4-бет

Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

Высшее благо медицины – здоровье

Ўзбекистонда соғ'лиқни сақлаш Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган E-mail: uzss@inbox.ru 2007 йил 27 март – 2 апрель № 12 (527) Сешанба кунлари чиқади



Юртимиз гўзаллигига янада чирой кўшаётган замонавий тиббий муассасаларнинг халқимиз саломатлиги йўлида фаолият кўрсатётганлиги «Ижтимоий ҳимоя йили»даги Давлат дастурида кўзда тутилган мақсадларнинг эзгу нишонасидир.

Семинар

УКРЕПЛЯЯ УЗЫ СОТРУДНИЧЕСТВА



22 марта текущего года во втором Республиканском Медицинском колледже прошла церемония открытия четвертого Республиканского семинара по медсестринскому образованию. На мероприятии с приветственной речью выступили Посол Японии в Узбекистане Юичи Кусумото и заместитель министра здравоохранения Республики Узбекистан Набир Шарпов. Далее с делами, проводимыми в сфере образования и повышения квалификации медицинских сестер, участников подробно проинформировала Яджима Кадзуэ - Главный советник проекта по усовершенствованию медсестринского ухода в Узбекистане.

Для повышения уровня медсестринского ухода путем усовершенствования сестринского образования, вот уже на протяжении 3-х лет, начиная с 2004 года, реализуется проект технического содействия, рассчитанный на пятилетний период. Он осуществляется Министерством здравоохранения, Министер-


ством высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан в сотрудничестве с Правительством Японии. В рамках проекта намечено внедрение в учебный процесс всех медицинских колледжей Узбекистана предметов по сестринскому уходу за взрослыми, детьми, престарелыми, сестринский уход в материнстве

и психиатрический уход. Проектом было организовано несколько встреч Рабочих групп по реализации проекта с экспертами из Японии и контрапартнерами из Узбекистана.

В ходе трехдневного семинара на тему «Сестринский уход за престарелыми» были заслушаны лекции, участники задавали интересующие их вопросы, на которые они получили ответы специалистов данной сферы. По окончании семинара его участникам были выданы сертификаты.

Надеемся, что ценный опыт и практика, полученные в ходе проведения данного мероприятия, послужат дальнейшему совершенствованию медсестринского образования в нашей республике.

Ирода ИЛЬХАМОВА.



ФАОЛИЯТ ВА ТАЪЛИМНИНГ ЎЗВИЙ БИРЛИГИ

Мана бир неча йилдирки, «Саломатлик - 1-2» лойиҳалари асосида тайёрланаётган кадрлар масаласи фаолият ва таълимнинг ўзвий бирлиги сифатида олиб борилмоқда. Айниқса, умумий амалиёт шифокорларининг 10 ойлик ўқув курсида тахсил олиш жараёнида назарий ва амалий билимга эга бўлаётгани ўзининг самарали натижаларини бераётти. Шунингдек, оила хамширалари ҳамда лаборантлар билим ва тажрибасини ошириш мақсадида ташкил этилган ўқув курсларининг бошланганлиги ҳам бундан мустасно эмас.



Жорий йилнинг 23-24 март кунлари Тошкент Врачлар малакасини ошириш институтининг ўқув залида «Саломатлик-2» лойиҳаси асосида Тошкент вилоятининг тиббиёт муассасаларида фаолият юритаётган лойиҳа раҳбарлари, туман марказий шифохоналари бош шифокорининг бирламчи тиббий санитария ёрдамчиси кўрсатиш бўйича муовинлари, бош ва катта хамширалар учун махсус ўқув семинари бўлиб ўтди.

Семинарни лойиҳа тасарруфидоги умумий амалиёт шифокорларини тайёрлаш ўқув марказининг тажрибали мутахассис-ўқитувчилари олиб борди. Тадбир баҳс-мунозарарага бой бўлиб, иштирокчилар ўртасида таклиф ва мулоҳазалар ўртага ташланди. Чунки, семинарда асосий мавзу кўпроқ шахслар аро мулоқот жараёнига қаратилди. Мавзунинг моҳияти биргина врач билан бемор ўртасидаги муомала-маданиятига эмас, балки раҳбар, врач ва бемор муносабатлари қай даражада боғлиқлигига алоҳида ургу берилди.

Фикрлар билан уйғунлашган таклиф ва мулоҳазалар инobatта олинди, кун мавзуси доирасида ўрганиб чиқилди ва керакли хулосалар билдирилди.

(Давоми 8-бетда).

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР: ТЕЛ.: 133-13-22, 133-57-73

Журналист мулоҳазаси: бир мактуб изидан

Ҳеч ўзимизни танқид қилганмизми? Умуман, танқид кимга ёқади? Табиийки, бу огрикли савол ҳар бир кишини чуқур ўйга толдириб, мулоҳазали фикрлашга ундайди. Ваҳоланки, ҳар биримиз бу тўғрида муайян тўхтамга ва шахсий фикрга эга бўлишимиз керак. Кимларгадир танқид оғзаки нутқ учун эҳтимом осон туюлар, аммо унинг таъсири доирасидаги асосли, таҳлилий ва ёзма далиллар биров мураккаброк, ҳал этувчи аҳамиятга эгалиги билан қимматлидир. Тўғри, ижтимоий ҳаётда турли кўнгилсизликлар, қутилмаган воқеа-ҳодисалар юз бериши мумкин. Ундан ташқари, инсоннинг қундалик фаолиятида баъзи бир камчилик ва хатоликлар содир бўлиб, уларни ўз вақтида кенгрок ўрганиш ҳамда назорат қилишига тўғри келади. Бунинг учун ҳар бир инсонда ички бир қурашувчанлик, мустаҳкам эътиқод ва энгилмас шижоат бўлиши лозим.

Зеро, ҳинд мутафаккири Махатми Ган-

диннинг бир яхши гапи бор: "Мен умрим давомида ихлосмандларимга қараганда танқидчи дўстларимдан, айниқса, уларнинг танқиди мулоим ва дўстона изҳор этилганда, кўпроқ фойда олганман", деган эди. Ҳа, бу аини ҳақиқат. Танқид шундай бир кучки, у инсон ҳаёти, шахсияти, керак бўлса, жамиятдаги мавқеини тўғри йўлга солади. Шундай экан, биздаги камчиликлар, салбий ҳодисаларни танқид қилишни эркин ва ҳаётий зарурат деб тушуниш керак. Баъзан ўзимизга билдирилган эътироз ва танқидлардан хоҳлаймизми, йўқми кўнглимиз ранжигандек бўлади. Лекин бу асосли далил эканлигига ҳамма вақт ҳам ишонч ҳосил қилавермаймиз. Нега? Жавоб бериш қийин. Инсон табиатан шундай яралган – таъсирчан ва ишонувчан. Бирок, ҳар қандай эътирозу танқидни тўғри ва ҳолисона қабул олишининг ўзи ички бир жасорат ҳисобланади.

Муомала-маданиятнинг қутилмаган оқибатлари

Нега биз мавзунни айнан шундай номладик? Чунки, кейинги пайтларда тахририятимизга аҳоли томонидан республикамиз тиббиёт муассасаларида фаолият юритаётган тиббиёт ходимларининг муомала-маданияти (деонтология), қолаверса, касбларида бўлган масъулиятсизликлари тўғрисида эътирозли шикоятлари билдирилмоқда. Мактублар асосида газетамизнинг 2007 йил 6 февралдаги сониде "Бемор қалбига дарз кетмасин" номли сарлаҳа остида материал чоп этилганди. Унда тиббиёт деонтологияси кенг фалсафий тушунча бўлиб, у бир қанча йўналишдан иборат эканлиги ҳамда ҳар бир шифокор ва ҳамширада мавжуд бўлган эзгу фазилатлар муҳасамлиги кўрсатиб берилганди.

Шундан сўнг, тахририятимизга Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур туманида истиқомат қилувчи Дилором Холиқова томонидан шикоят мактуби келди. Муаллиф ўз мактубида 2005 йил 14 июлда туғилган набираси Шаҳзода Султонмуродова Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармасига қарашли 14-болалар хирургик шифохонасида бўлиб, Текширув гуруҳи томонидан беморда ўтказилган операция жараёнлари қуйидагича ифода этилди:

"2006 йилнинг 1 январь кунини Шаҳзоданинг соғлигида жиддий ўзгариш бўлиб, уни дарҳол Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармасига қарашли 14-болалар хирургик шифохонасига олиб келишди. Ва унга «Ўткир ичак тутилиши» ташҳиси қўйилиб, реанимация бўлимига ётқизилади. Клиникада бемор сингилкаб текширилгандан сўнг, унга "Ичак меъдрий бурилишининг бузилиши, кўтарилувчи чамбар ичак ўрта 1/3 қисми стенози, қисман ичак тутилиши" ташҳиси билан 7 январь кунини профессор Н. Эргашев томонидан стеноз соҳасини қирқиб, чандиқлардан ажратиш, анастомоз қўйиш операцияси бажарилган. Операциядан кейинги даврда беморда чоклар фаолиятсизлиги, анастомоз сўкилиши ва перитонит ривожланиб кетганлиги сабабли 14 январьда яна қайта операцияга олинган. Операцияда беморнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун анастомоз сўкилиши соҳасида ичак оқмаси ҳосил қилинган. 31 январь кунини беморга қониқарли аҳволда 1,5-2 ойдан сўнг стомани бекитиш тавсияси билан уйига рухсат берилган. Орадан яна икки ой ўтиб, 28 март кунини стомани ёпиш операциясини ўтказиш учун бемор тиббий қониқарли аҳволда ши-

фохонага ётқизилади ва тайёргарликдан сўнг, 11 апрель кунини стомани бартараф этиш учун қисқа ичак резекцияси ва учма-уқ анастомоз қўйиш операцияси ўтказилади. Операциядан сўнг яра қизиб, инфилтратсияси кузатилади, тери ости қисман йирингланган. 20 апрелда чоклар олинган ва яранинг тўлиқ битиши кузатилади. Беморнинг аҳволи яхши бўлиб, ошқозон-ичак тизими фаолияти изга туша бошлаган, лекин беморда энтероколит ва дисбактериоз ҳолатлари кузатилади. 2006 йилнинг 5 майда Шаҳзоданинг аҳволи яхшиланган, уйга рухсат берилиб, соматик касалхонада соғломлаштириш ўтказишга тавсия этилган. Бемор 14 ноябрда яна ушбу шифохонага соғломлаштириш мақсадида ётқизилган. Текшириш ва даволаш жараёнида бемор педиатр, невропатолог, инфекционист кўригидан ўтказилади ва унда сурункали оқватланишининг бузилиши, гипертония, 2-даражали камқонлик, перинаталэнцефалопатия қолдиқлари, ичак дисбактериози, токсик гепатит аломатлари мавжудлиги аниқланиб, тегишли даво муолажалари ўтказилган. Аҳволи яхшиланган, 23 ноябрда беморга жавоб берилган".

Юқорида таъкидланган фикрлар текширув гуруҳининг ҳулосаси.

Куйидаги далиллар билан танишгандан сўнг, сизда савол туғилади. Муаллиф нима учун ушбу шифохона мутахассисларидан ранжиди?

Бу борада текширув гуруҳида иштирок этган газета ижрочи муҳаррирининг фикр-мулоҳазалари қуйидагича

Текширув жараёнида муаллиф тиббиёт ходимлари муомала-маданиятининг кўполигини кўнчаклик билан гапирди ўтди. Айниқса, муаллиф шифохона раҳбарияти ҳамда профессор Н. Эргашев ва реанимация бўлимининг даволувчи врачлари А. Убайдуллаевдан жуда норози эканлигини таъкидлади.

Дарҳақиқат, «Қайси бир кўнгли қаттиқ сўздан яралган бўлса, аччиқ тил заҳарли тикандек бўлур. Кўнглига қадалган тил ханжарининг жароҳати битмайди, унга ҳеч нарса малҳам бўла олмайди. Ҳар кўнгли тил ханжаридан жароҳатланса, юмшоқ сўз ва ширин тил унга малҳам бўлади ва роҳат беради», деганларидек, шифохона ходимларининг муомаласи муаллифнинг эътирозларига сабаб бўлган.

Мазкур шифохонага даво излаб борган беморнинг оила аъзолари эндигина дунёга келган норасида гўдакни ўлим қангалдан олиб қолиш мақсадида шифокорлардан нажот кутсалару, лекин тиббиёт ходимларининг ноўрин сўзлари-ю, камситишлари уларнинг қалбига озор етказса? Муаллиф кўзларига ёш олиб, даволувчи врачнинг Шаҳзоданинг отасига айтган қуйида-

ги ноўрин сўзларини бот-бот такрорлайди: «Агар болангизни теъза операция қилмасак, у ўлади». Наҳотки, шифокор бу сўзни айтишдан олдин ота-она кўнглига дарз етказиб қўйишдан қўрқмади? (Шаҳзода оиланинг биринчи фарзанди эди). Онанинг айтишига қараганда, нарқоз таъсирда инжиқланиб қолган Шаҳзоданинг соғлигидан ташвишланган бувиси палата врачига: «Бола нима учун тинимсиз йиғлаб, кечалари ухламаяпти?», деб савол берганда, шифокор шундай жавоб берган экан: «Сиз нима кутган эдингиз?»

Гувоҳи бўлганиндек, врачнинг ноўрин айтган айрим сўзлари бутун оила аъзолари ишончини чилпарчин қилди. Агар мулоҳаза қиладиган бўлсак, шифокор жабрдийда инсонлардан нима кутди?!?

Муаллиф шифохона бош шифокорига норизоликлардан шикоят қилиб кирганида у: «Бу шикоятларингиз билан ҳеч нарсани исботлаб беролмайсиз. Қаерга мурожаат қилсангиз қилаверинг, менга фарқи йўқ!» қабилда иш тутди...

Болада ўтказилган операцияларда иштирок этган врачлар бемордаги касаллик тарихини оила аъзоларига тўғри тушуни тираолмаганлиги сабабли беморнинг оила аъзолари ва врачлар ўртасида турли низолар келиб чиққан.

Бинобарин, тиббиёт ходимларининг касбга муносабати, ахлоқ-одоби, шунингдек, шифокор ва беморлар орасидаги турли муносабатлар тиббиётимиз тилида деонтология дейилиши маълум. Агар бунини содда қилиб айтишга бўлсак, тиббиёт ходими билан бемор ўртасидаги бурчга содиқлик, муомала қондаларига риоя қилиш ва яхши, тўғри мулоқот десак бўлади. Шундай экан, аввало ҳеч ким дард чекиб ётгудек бўлмасин. Лекин дардга чалинган ҳар кимсаннинг ундан фориг бўлиши тиббиётимизнинг ютуғига, шифокор, ҳамширанинг билими, тажрибаси, инсоний фазилатларига боғлиқдир. Демакки, барчамиз юқоридаги мулоҳазалардан ўзимизга ҳулоса чиқариб, атрофдагиларимиздан яхши муомала, ширин сўзимизу холисона ёрдამимизни аямасак, мақсадли ҳаёт йўлимизда фақат меҳру саховатга тўлиб бораверамиз.

Мана кўрдингизми, норасида бир гўдак ҳаётини сақлаб қолиш ва унинг соғлигини муҳофаза қилиш, наҳотки, муомала-маданиятининг қутилмаган оқибатлари сабаб шифокорларнинг бурч ва қасамедларига бўлган эътиборсизликларини ифода этган бўлса?! Муаллиф тахририятга шикоят қилмасдан олдин, бошқа тиббиёт ташкилотларига ҳам мурожаат қилган. Шифохона маъмурияти муомала-маданияти қондаларини бузганлиги учун А. Убайдуллаевани эғаллаб турган лавозимидан озод этиб, уни навбатчи шифокорликка ўтказган.

Оила аъзоларини ўйлантираётган нарса битта – у ҳам бўлса Шаҳзодани соғлиги. Муаллиф мактубининг охирида шундай ёзади:

«Бош шифокор менга набирангиз бир марта операция

соғайиб кетади, деган эди. Афсуски, дард азобиде қийналган набирам уч марта операция соғайиб кетиши учун ким кафолат бера олади?»

Ахир, набирам келажакда она бўлиши керакку; унинг соғайиб кетиши учун ким кафолат бера олади?»

Ҳа, ҳақиқатдан ҳам муаллифнинг фикрларида жон бор. Еруг дунёга келган ҳар бир гўдак ота-онанинг орзу-умиди, унинг келажак ҳаёти ва жамиятнинг муҳим бир пойдевори эмасми?! Сўзларимни мухта-сар қилар эканман, таъкидлаш жоизки, республикамизнинг тиббиёт муассасаларида меҳнат қилаётган фидойи шифокор ва ҳамшираларимиз жуда кўп. Лекин ўз билими ва касбига масъулиятсиз бўлган айрим тиббиёт ходимларининг борлиги, минг афсуски, ачинарли...

Энгилми, оғирми, дард билан шифохонага тушиб, шу дарддан халос бўлиб, уйига қайтувнга қадар бемор бир неча шифокор назарида бўлади. Бу соатлар, ҳафталар ва баъзида ойларни имтиҳонга қиёс қилиш мумкин. Қолаверса, бу бемор учун ҳам, шифокор учун ҳам ҳамдардлик, хушмуомалаликнинг ҳақиқий синовидир.

Ибодат СОАТОВА,
журналист.

Хуқуқингизни биласизми?

ТИББҲИ ХИЗМАТЛАР БЕПУЛМИ ЁКИ ПУЛЛИК?

Республикада тиббиёт муассасаларига давлат мувожаати қилувчи фуқароларда даволаш, оқватланиш, дори-дармонларни харид қилиш учун пул тўлаш лозимми ва қанча тўлаш керак, тарзидаги саволлар пайдо бўлади. Хусусий тиббиёт муассасалари ҳақида гап кетганда, бу муассасаларда пул тўлаб даволашни тартиби барчага маълум, аммо давлат бюджетидан маблағ билан таъминланаётган шифо масканларида пуллик ёки бепул даволашни тартиби қандай?

Кўп ҳолларда беморлар қайси турдаги тиббий хизматларга ва қандай ҳолларда пул тўлаш кераклигини, давлат томонидан қандай имтиёзли бепул тиббий хизматлар кафолатланганини билишмайди, натижада аҳоли орасида кўпгина саволлар пайдо бўлади.

Газетхонлар саволларига жавоб тарзида пуллик ва бепул тиббий хизмат кўрсатиш тартиби ва қоидалари тўғрисида Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ислох қилиш, хусусийлаштириш ва пуллик хизмат бошқармаси қуйидагига маълумот беради.

Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида"ги Қонунда белгилангандек, давлат даволаш-профилактика муассасалари томонидан аҳолига кафолатланган тиббий ёрдам бепул кўрсатилади. Аҳолига давлат томонидан кафолатланган ва бепул кўрсатилиши лозим бўлган тиббий ёрдам ҳажмидан (микдоридан) ташқари тиббий хизматлар қўшимча ҳисобланади ва белгиланган тартибда пул тўлаш орқали амалга оширилади.

Давлат томонидан кафолатланган бепул тиббий хизмат қуйидаги ҳолларда кўрсатилади: шошилич, кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам кўрсатиш, соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинида ва бир қатор давлат даволаш-профилактика муассасаларида, биринчи навбатда кишлоқ жойлардаги шифо масканларида. Шу билан бирга аҳолини юқумли касалликларга қарши иммунизациялаш ва эмлаш; ижтимоий аҳамиятга эга ва атрофдагилар соғлиғига хавф тўғривчи сил, хавfli ўсма, рухий, гиёхвандлик, эндохринолодик ҳамда касб касалликларига дучор бўлган шахсларга, болаларни текширувдан ўтказиш ва даволашда (пуллик муассасалардан ташқари), 15-17 ёшдаги ўсмирларни ҳамда чақирув комиссияларининг йўлланмалари билан чақирик ёшдаги (18-27 ёш) шахсларни текширувдан ўтказиш ва даволашда, ҳомилдорларга тиббий хизмат кўрсатиш ва даволашда (пуллик муассасалардан ташқари), беморларнинг имтиёзли тои-

фалари (ногиронлар, уруш фахрийлари, ғирт етимлар ва бошқарлар) га бепул тиббий хизмат кўрсатилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 2 декабрдаги 532-сонли Қарори билан стационар шариотда даволаш-профилактика муассасаларида (пуллик муассасалардан ташқари) даволанаётган қуйидаги касалликлар билан хасталанганлар оқватланиш пули тўлашдан озод қилинади: онкологик касалликлар, сил касалликлари, рухий касалликлар, гиёхвандликка дучор бўлган беморлар. Ихтисослашган шифохоналарда даволанганда: мохов, нурланиш касаллиги билан хасталанганлар, юқумли, эндохрин касалликлар, захм касаллиги, ОИВ (ОИТС), реанимация ва интенсив даволаниш талаб этадиган ҳолатлар; камқонлик касаллигининг давлат даражалари билан ҳомилдор ва туққан аёллар.

Шу билан бир қаторда аҳолининг қуйидаги қатламлари стационар шариотда даволаш-профилактика муассасаларида (пуллик муассасалардан ташқари) даволанаётганда оқватланиш пули тўлашдан озод қилинади: болалиқдан ногиронлар, ғирт етимлар, I-II гуруҳ ногиронлари, 1941-1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва қатнашчилари ҳамда уларга тенглаштирилганлар, 1941-1945 йиллар меҳнат fronti қатнашчилари, ижтимоий таъминот муассасаларида ҳисобда турувчи яқка-ёлғиз пенсионерлар, Чернобиль АЭС ҳалокатини бартараф этишда қатнашган ногиронлар, байналминалчи жангчилар, болалар ва 17 ёшга бўлган ўсмирлар, мудофаа ишлари бўйича бўлимлар йўлланмалари билан 18-27 ёшдаги ҳарбий хизматга чақирилувчилар.

Хукуматиизининг ушбу Қарори билан даволаш-профилактика муассасаларида оқватга пул тўлашнинг вақтинчалик тартиби қабул қилинган, яъни бемор оқватланиши учун (нонуштадан ташқари) пул тўлаши лозим. Таъкидлаш лозимки, бемор ўз хоҳишига биноан оқватланишга пул тўлашдан қисман ёки бутунлай бош тортиши мумкин. Беморнинг оқватга пул тўлашдан бош тортиши касалхонага қабул қилмаслик учун асос бўлиши мумкин эмас.

Амбулатория шариотида даволанаётган беморларга қуйидаги касалликларда бепул дори-дармонлар берилади: онкологик, сил, рухий, мохов, эндохрин касалликлари, ОИВ (ОИТС); юрак клапани протези қўйилган ва аъзолари қачирилган беморлар; ўзгалар қаровига муҳтож яқка-ёлғиз пенсионерлар, 1941-1945 йиллар меҳнат fronti қатнашчилари, 1941-1945 йиллар уруш ногиронлари ва қатнашчилари ҳамда уларга тенглаштирилганлар, Чернобиль АЭС ҳалокатини

бартараф этишда қатнашган ногиронлар, байналминалчи жангчилар, ядро полигонлари ва бошқа ядро-радиацион объектларда ҳарбий хизматни ўтаб пенсия ёшига етганлар.

Юқорида номлари кўрсатилган фуқароларга тиббий қўрсатмаларга биноан амбулатория-поликлиника муассасаларида даволовчи шифокорлар томонидан махсус дориномалар ёзиб берилади ва беморлар ушбу дориномалар асосида дориноналарда бепул дорилар олишлари мумкин.

Амбулатор-поликлиника муассасаларида фертил ёшдаги аёлларга ҳомилдорликнинг олдини олиш воситалари (контрацепция) мутахассис акушер-гинекологлар томонидан тиббий қўрсатмаларга биноан бепул берилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги ПФ 2107-сонли "Соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш Давлат дастури тўғрисида"ги Фармонида асосан кишлоқ жойлардаги аҳолига қулайлик яратиш мақсадида бирламчи тиббий-санитария бўғини негизда кишлоқ врачлик пунктлари (КВП) ташкил этилди ва керакли замонавий тиббий-диагностик асбоб-ускуналар ва малакали мутахассислар билан таъминланди. Ҳозирги кунда республикада фаолият кўрсатаётган жами 3000 дан ортқ КВПларга аҳолига барча тиббий хизмат турлари бепул кўрсатишмоқда.

Соғлиқни сақлаш тизимида ислохотларни янада ривожлантириш, аҳолига кўрсатилаётган ихтисослаштирилган тиббий ёрдамни яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 26 февралдаги ПФ 3214-сонли "Соғлиқни сақлаш тизимини янада ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони билан ихтисослаштирилган урология, кўз микрохирургияси, кардиология ва академик В. Вохилов номидаги ихтисослаштирилган жарроҳлик марказлари ташкил этилди. Бу марказлар замонавий диагностик ва даволаш усулларини қўллаб, аҳолига юқори малакали, ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатади.

Ушбу Фармон билан марказларда махсус йўлланмаларга (ордерлар) асосан давлат бюджет маблағлари ҳисобига бепул даволанадиган имтиёзли тоифадаги шахслар рўйхати аниқланган. Бундай имтиёздан болалиқдан ногирон, ғирт етим, I-II гуруҳ ногиронлари, ёшга оид ишламайдиган пенсионерлар, 1941-1945 йиллар меҳнат fronti қатнашчилари, 1941-1945 йиллар уруш ногиронлари ва қатнашчилари ҳамда уларга тенглаштирилганлар, Чернобиль АЭС ҳалокатини бартараф этишда қатнашган ногиронлар, байналминалчи жанг-

чилар, ўз-ўзини бошқариш органларида моддий ёрдам олувчи кам таъминланган оила аъзолари фойдаланиши мумкин. Ушбу имтиёзларга эга бўлган беморларни марказларда даволанишлари учун махсус йўлланмалар (ордерлар) худудий соғлиқни сақлаш бўлимлари томонидан берилади.

Соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилишнинг устувор йўналишларидан яна бири бу шошилич тиббий ёрдам тизимини ташкил этишдир. Шошилич тиббий ёрдам тизимига қарашли Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази, унинг вилоятлардаги филиаллари ва шаҳар, туман марказий шифохоналаридаги бўлимларида аҳолига бепул малакали тиббий хизмат кўрсатишмоқда.

Республика иқтисодиётининг бозор муносабатларига ўтиши туфайли соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш Давлат дастурида айрим даволаш-профилактика муассасаларининг "босқичма-босқич" ўз-ўзини молиялаштириш тизимига ўтиши белгиланган. Ушбу муассасаларда 2005 йилга келиб аҳолининг имтиёзли қатламларида кўрсатиладиган бепул тиббий хизматлар салмоғи 20 фоизни ташкил этади ва тиббий хизмат истеъмолчилари 2 гуруҳга бўлинади. Биринчи гуруҳ – имтиёзга эга бўлган аҳоли контингенти давлат тиббиёт муассасаларида ҳамда ўз-ўзини молиялаштириш тизимига ўтган даволаш-профилактика муассасаларида бепул даволанади. Иккинчи гуруҳ – имтиёзга эга бўлмаган аҳоли контингенти ушбу муассасаларда пул тўлаб даволанади.

Барча ҳолларда беморлар даволаш-профилактика муассасаларига мувожаат қилганда улар билан шартнома тузилиши ва пул тўланганлиги тўғрисида қвтанция берилиши лозим.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги даволаш-профилактика муассасаларида бепул ва пуллик тиббий хизмат кўрсатиш вазирлигининг 2006 йил 17 майдаги 222-сонли буйруғи билан такомиллаштирилди.

Ушбу буйруқ билан республика аҳолисида давлат томонидан кафолатланган бепул тиббий-санитария ёрдами кўрсатилиши белгиланган даволаш-профилактика муассасалари рўйхати тасдиқланди. Булар қаторига бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш, шошилич ва тез тиббий ёрдам кўрсатиш, оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган касалликларни ва юқумли касалликларни даволаш муассасалари киритилди.

Ўзбекистон Республикасининг "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш" Қонунига асосан

ҳамда аҳолини тегишли ахборот ва маълумот билан таъминлаш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруғи билан тизимдаги барча тиббиёт муассасаларида ахборот бурчаклари ташкил қилинди ва пуллик тиббий хизмат кўрсатиш тартиби ва қоидалари, кўрсатиладиган хизмат нархлари, вазирлик томонидан берилган махсус рухсатномалар нусхаси кўринарли жойларга осиб қўйилди.

Айтиш лозимки, кўп ҳолларда беморлар даволаш-профилактика муассасаларида даволаниш жараёнида истеъмолчи сифатида қонунда белгиланган ҳақ-хуқуқларини билмасликлар натижасида муаммолар келиб чиқмоқда. Шу борада "Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисидаги" Қонуннинг 24 бандига биноан бемор тиббий ёрдам сўраб мувожаат қилган ва тиббий ёрдам олаётган пайтда қандай ҳуқуқларга эга эканлигини яна бир бор таъкидлашни лозим деб топамиз. Булар қуйидагилар:

* тиббиёт ходимлари ва хизмат кўрсатувчи ходимларнинг ҳурмат ва меҳр-мурувват кўрсатишлари;

* шифокорни ва даволаш-профилактика муассасасини танлаш;

* санитария-гигиена талабларига жавоб берадиган шариотда текширувдан ўтиш, даволаниш ва парвариш қилиниш;

* Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги белгиланган тартибда ўз илтимосига кўра бошқа мутахассисларнинг консилиум қилиши ва улардан маслаҳатлар олиш;

* тиббий ёрдам сўраб мувожаат қилганлиги, соғлигининг ҳолати, қўйилган тахсис тўғрисидаги маълумотлар ҳамда уни текшириш ва даволаш чоғида олинган бошқа маълумотлар сир сақланиши;

* тиббий аралашувга ўз ихтиёри билан розилик бериш ёки уни рад этиш;

* ўз ҳуқуқ ва бурчлари хусусида ҳамда соғлигининг ҳолати ҳақида маълумот олиш, шунингдек, соғлигининг ҳолатига доир маълумотларни унинг манфаатини кўзлаган ҳолда берса бўладиган шахсларни танлаш;

* ихтиёрий тиббий сугурта доирасида тиббий ва бошқа хил хизматлардан фойдаланиш;

* тиббий ёрдам кўрсатиш вақтида соғлиғига зарар етказилган тақдирда қўрилган зарарнинг ўрни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланиши;

* ҳуқуқини ҳимоя қилиши учун ҳузурига адвокат ёки бошқа қонуний вакил қўйилиши. Ҳуқуқлари бузилган тақдирда бемор ёки унинг қонуний вакили бевосита даволаш-профилактика муассасасининг раҳбари ёки бошқа мансабдор шахсига, юқори бошқарув органига ёки судга шикоят билан мувожаат қилиши мумкин.

Абдували АГЗАМОВ,
Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ислох қилиш, хусусийлаштириш ва пуллик хизмат бошқармаси бошлиғи.

ҲАЛОЛЛИК МАРТАБАНИ БЕЗАЙДИ



Дунёда ота-онадан улуг инсон бўлмаса керак. Аввало, фарзанд тарбияси ва унинг ҳаёт ва жамиятда ўз ўрнини топишида ота-она олдиди юксак масъулият турар экан. Тунларни бедор ўтказган она кечалари фарзандига алла айтиб, оромим ҳам, тинчлигим ҳам сен деб эркалайдиган зот бўлган бўлса, ота унга парвона бўлиб, ҳаётининг келажагисан дея бағрига босган. Ҳа, улар тўғрисида қанча кўп гапирсақда озлик қилади...

Зеро, бугун отажоним Кудрат Аскарлович 70 бахорни қарши олар эканлар, кўзларимдаги севинч ёшлари билан падари бузрукворимни кўтлаб, уларнинг ўтмиш ҳаётлари тўғрисида қисқача дилнома ёзишни фарзандлик бурчим деб билдим.

Отам ниҳоятда самимий, талабчан, фарзандларга меҳрибон, меҳнатқаш ва бағрикенг инсон. Оилада 5 нафар қиз фарзанд бўлганимиз сабаб раҳматли онажоним ва отамнинг эътибор ҳамда тарбиялари ниҳоятда кучли эди. Ойлар, йиллар ўтиб, ҳаммамиз улғайиб, оилалик бўлдик. Вақт, умр гўёки сувдек ўтар, йиллар сарҳисоби эса умрга интиҳо ясаб бораверар экан. Кечагина сочларига оқ ораламаган, забардаст отамизнинг билагида куч, касбига шижоат ҳамда уйдан шошилиб чиқиб кетишлари ҳамон кўз ўнгимизда. Қаранг-а, қанча йиллар ортда қолиб, умрини бутун меҳнатта башида этган отажонимиз Кудрат Аскарлов бугун 70 ёшни қарши олмақдалар.

70 йил... Эҳ-ҳе, бу даврлар ичида юртимиз ва халқимиз фаровонлиги учун қилинган меҳнатлар падари бузрукворимиз ҳаётида ўчмас из қолдириб. Уларнинг болалиги Самарқанд вилоятининг Ўрганжи қишлоғида ўтган.

1962 йилда Самарқанд қишлоқ ҳўжалиги институтининг ветеринария факультетини имтиёзли диплом билан тугатган отамиз 1966-69 йилларда Самарқанд Давлат университети-

нинг «Одам ва ҳайвонлар физиологияси ва биокимёси» кафедраси аспиранти ва шу йилдан бошлаб, Самарқанд Тиббиёт институтини биокимё кафедраси ассистенти, катта ўқитувчиси ва доцент вазифаларида фаолият юритганлар. Шунингдек, 1977 йилда биокимё кафедраси бўлинғач, биоорганик ва биоорганик кимё кафедрасида 1994 йилгача мудирилик қилганлар. 1994 йили биоорганик ва биоорганик кимё ҳамда биологик кимё кафедралари қайта қўшилғач, ушбу кафедранинг мудириликка сайланиб, шу лавозимда ҳозиргача ишлаб келмоқдалар.

Фахр билан айтишимиз мумкин, отамиз 280 ортиқ илмий, ўқув-услубий мақолалар муаллифи. Шу жумладан, 12 та муаллифлик гувоҳномаси ва 3 та монография, 2 та ўқув қўлланмаларини чоп эттирганлар. У кишининг раҳбарлигида 4 та номзодлик ва иккита номзодлик диссертация ҳимоя қилинган. Аини кунда яна битта докторлик диссертацияси расмийлаштирилмоқда.

Отажоннинг меҳнатга бўлган иштиёқ, талабчанлик, жонкуярлиги сабаб фанда эришган ютуқлари учун собиқ Иттифоқ халқ ҳўжа-лиги ютуқлари кўргазмаси



«ВДНХ»нинг олтин медали ва «Собиқ Иттифоқ рационализатори» нишонига муяссар бўлдилар. Шунингдек, 1972 йилдан то 1995 йилгача Самарқанд тиббиёт институтидида масъулияти лавозимларда фаолият юритиб келдилар. Отажонимизнинг кўп йиллик самарали илмий фаолияти, халқ соғлигини сақлашда қўшган ҳиссаси ва бу соҳада эришган ютуқлари учун Президентимизнинг фахрий ёрлиғи билан мукофотландилар. Шу билан бирга тинимсиз меҳнатлар яна ўз самарасини бериб, падари бузрукворимиз 1980 йилда «Соғлиқни сақ-

Хурматли Кудрат Аскарлович!

Сизни 70 ёшингиз билан самимий кўтлаймиз. Фаолиятингиз давомида моҳир ташкилотчи, фаол, кўп қиррали юксак салоҳият эгаси, ўзига ва ўзгаларга талабчан қаттиққўл раҳбар ҳамда қалби пок инсон сифатида эл назарига тушдингиз. Юртимиз равнақи ва халқимиз саломатлиги йўлида астойдил меҳнат қилиб, умрингизнинг асосий қисмини соҳа тараққиётига бахшида этдингиз.

Яна бир бор, таваллуд айёмингиз муборак бўлсин! Умрингиз чинор дарахтидек узун, соғлигингиз ҳамиша муқтаҳам, оилангиз бахтига эса доимо омон бўлиш насиб этсин!

Ҳамкасбларингиз.

Кутлов

ҲАЁТИМИЗ НУРИСИЗ, ОТАЖОН!

афсуски, биз фарзандларни воёга етказишда, отажонимизнинг катта ютуқларга эришишида ўзларининг беминнат ҳиссаларини қўшган онажонимиз руҳларини эсламай иложимиз йўқ. Онажонимиз ҳар биримизнинг қалбимизда мангу барҳаётдир.

Отамиз халқ саломатлиги йўлида бир умр хизмат қилган эканлар, биз фарзандларига берган илму маърифатлари беҳиз кетмади. Олам Феруза, синглиларим Нилуфар ва Фотималар аини кунда врачлик касбида ишлаб, халқимиз саломатлиги йўлида меҳнат қилиб, отамиз бошлаб берган йўлни давом эттиришмоқда. Зўҳра ва мен эса тарихчи сифатида фаолият юритиб келмоқдамиз.

Отажон, 70 ёшингиз муборак бўлсин! Набираларингиз ва биз фарзандларингиз бахтига ҳамиша омон бўлинг. Умрингиз зиёда, шогирдларингизга сеvimли устоз, бизга эса доимо таянч бўлиб юринг.

Шахло АСҚАРОВА,
Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш
вазирлиги, К. Зоиров
номидagi Соғлиқни
сақлаш музейи ходими.

Хотира

ҚАЛБИМИЗДА МАНГУ БАҲАЁТ

Шафқатсиз ўлим ҳамкасби-миз, тахририятимизнинг жонкуяр, самимий, ҳақиқатпарвар, олижаноб, фаол ва қалби пок инсонни бўлган фотомухбиримиз Асен Нуратдиновни орамиздан бевақт олиб кетди.

Асен Нуратдинов биргина тахририятда эмас, балки республика тиббиёт муассасаларида ҳам ўз хурмати ва обрўсига эга эди. У олти йил мобайнида тахририятимизда фаолият юритиб, республика соғлиқни сақлаш соҳасида хизмат қилётган тиббиёт ходимлари меҳнати ҳамда тизимдаги англолик ва ўзгаришлари ўз касбий маҳорати орқали намён этиб келди. Ҳамкасбимизга берилган истеъдод ва қобилият меҳнат жараёнларида ўз ифодасини топди. Асен Нуратдиновнинг камтарона ва ҳалол меҳнатлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бир неча халқаро ташкилотлар

томонидан эсдалик совғалари ҳамда ташаккурномалар билан тақдирланди.

2007 йилнинг 16 март кунини Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва ЮНИСЕФ халқаро ташкилотлари томонидан ҳамкорликда ташкил этилган «Унни бойитиш миллий дастури» кўрик-танловида ўзининг фотосуратлари билан иштирок этиб, республика газеталарида фаолият юритаётган фотомухбирлар орасида фахрли биринчи ўринни олиб, танловнинг сертификати ҳамда қимматбаҳо совғаси билан мукофотланди.

Асен Нуратдинов оилада уч фарзанднинг меҳрибон отаси, рафикасининг эса энг яқин таянчи эди. Маҳалла ва жамоат ишларида доимо фаол иштирок этиб, ўрни келганда ўзининг беминнат хизматларини ҳеч кимдан аямас эди.

Бевақт ўлим ана шундай ажоиб инсонни орамиздан олиб



кетганлиги жамоамиз учун катта қайғуга айланди.

Асен Нуратдиновнинг олти йил давомида қилган ишлари, республика тиббиёт муассасаларида хизмат сафарига бўлиб, ижод қилиб қайтган онлари ва жамоадаги ҳар бир ишда бошқош бўлганлигини фахр билан тилга оламиз. Эндиликда буларнинг барчаси қалбларимизда армон, эзгу ишлари эса дилларимизда барҳаётдир.

Асен Нуратдиновнинг оила аъзолари ва яқинларига ўз ҳамдардлигимизни билдириб қоламиз.

«Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» газетаси жамоаси.

ЭЪЛОН

Соғлигингиз безовта қилаяптими?

У ҳолда Сиз «EVRO LAB MEDIKA»

лабораториясига мурожаат этишингиз мумкин.

Бу ердаги малакали мутахассислар куйидаги анализларни амалга оширадilar:

- Клиник анализлар – 18 параметр
- Биохимик анализлар – 30 параметр
- Иммунофермент тестлар (гормонал) – 13 параметр
- Иммунофермент тестлар (инфекциялар) – 15 параметр
- Ревматологик тестлар – 3 параметр
- Экспресс-таъхис – 12 параметр

Барча анализлар Германиядан келтирилган асбоб-ускуналарда замонавий реагент ва реактивлар ёрдамида олиб бориллади.

Хизматлар юқори сифат, тез мuddат ҳамда арзон нархларда кўрсатиллади.

Анализлар натижаси хоҳишингизга кўра факс ёки электрон почта орқали жўнатилади. Ташкилот ва муассасаларни ҳамкорликка чорлаймиз. Тўловлар сиз истаган шаклда амалга оширилади.

Бизнинг манзил: 100077. Тошкент шаҳри, Мирзо Улўбек тумани. М. Юсуф (собиқ Доғистон) кўчаси, 53-уй (мўлжал: «Буюк ипак йўли» метро бекати). Тел/факс: 8 (371) 360-18-04. E-mail: evrolabmedika@inbox.ru

Ён дафтарингизга

- Ҳар қандай тўсиқ қатъият билан забт этилади.
- Ҳамма одамлар ҳам буюк иш қилишлари шарт эмас. Кўпинча оддий сабр-тоқатнинг ўзи ҳам куч-қудратнинг рамзига айланиши мумкин.




Ўзбекистон
Республикаси



Халқаро тараққиёт
уюшмаси



Осиё тараққиёт
банки



Озиқланишни Яхшилаш
Глобал Альянси

2007 й
№ 2

«Саломатлик – 2»

«Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» ва «Унни бойитиш миллий дастури» лойиҳалари

«Health – 2»

«Women and Child Health Development»
and «National flour fortification program» Projects

Проекты «Здоровье – 2»

«Укрепление здоровья женщин и детей»

и «Национальная программа по fortификации муки»



УСТУВОР ЙўНАЛИШЛАР ЙўЛИДА

Инсон манфаатларини химоя қилишдаги энг асосий омиллардан бири – халқнинг саломатлиги. Зеро, ушбу иборанинг мазмун-моҳиятини дилдан ҳис этган Юртбошимиз республикада истиқомат қилаётган аҳолининг 63,4 фоизи қишлоқ шароитларида яшаётганлигини ҳисобга олиб, бирламчи бўғинга бўлган эътиборни кучайтириб, бу билан боғлиқ вазифаларни устувор йўна-

лишларга қаратди. Мақсадли режаларнинг самараси сабаб, қишлоқ жойларида аҳоли эҳтиёжлари учун хизмат қиладиган замонавий қишлоқ врачлик пунктлари барпо этилди. Баъзилари эса қайтадан таъмирланиб, янги технологиялар ҳамда умумий амалиёт шифокорлари, оила ҳамширалари ва лаборантлар билан таъминланди. Бундай ишларни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда «Саломатлик-2», «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» лойиҳаларининг ҳамкорликдаги фаолиятлари катта бўлмоқда.

Шу ўринда бу ҳам узлуксиз олиб борилаётган жараёнларда кадрлар фаолияти, ишлатилаётган янги технологияларнинг ўрни ва самардорлиги билан танишиш мақсадида Тошкент вилояти, Оҳангарон туманидаги қишлоқ врачлик пунктларида бўлиб қайдик.



РЕФОРМА ПЕРВИЧНОГО ЗВЕНА ЗДРАВООХРАНЕНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ



Целью реформ, проводимых в Узбекистане, является создание такой системы здравоохранения, которая могла бы обеспечить поддержку и улучшение здоровья населения и создать условия, при которых повысится эффективность и результативность работы национальной системы здравоохранения. Одним из главных направлений реформ является совершенствование инструментально-лабораторных исследований и освоение новых технологий.

Следует отметить, что 63,4 % населения Республики Узбекистан проживают в сельском регионе, и, следовательно, большая их часть получает медицинскую помощь в основном в СВП. Естественно, что в силу определенных причин (отдаленность от ЦРБ, отсутствие транспорта, дополнительные финансовые затраты), каждый пациент хочет пройти

полное медицинское обследование, включая лабораторные исследования на уровне своего СВП. Только серьезно подготовленное и оснащенное первичное звено в состоянии обеспечить лечение и профилактику заболеваний в амбулаторных условиях. Поэтому сегодняшний СВП должен располагать современным оборудованием для своевремен-

ной и правильной диагностики.

В рамках проекта «Здоровье – 2», Министерством здравоохранения Республики Узбекистан проводятся системные мероприятия по формированию и развитию лабораторной службы. При реализации программы реформирования здравоохранения, проектом «Здоровье – 2», финансируемого из средств кредита Всемирного банка, было проведено оснащение сельских врачебных пунктов комплектом лабораторного оборудования, включая полуавтоматический биохимический анализатор.

Предварительно перед поставкой оборудования все СВП были капитально отремонтированы или переведены в новые типовые здания. Помещения оборудованы в соответствии с правилами, рекомендованными санитарно-эпидемиологической службой, располагают условиями для установки оборудования, электрофицированы.

Современное лабораторное оборудование уже поставлено более чем в 2500 СВП. Таким образом, к 2010 году в республике будет создана обновленная сеть лабораторий на уровне сельского и частично городского здравоохранения.

В связи с этим, для обеспечения эффективного использования лабораторного оборудования и повышения


качества лабораторных исследований, проводимых в СВП, были поставлены следующие задачи:

1. Укрепление потенциала региональных специалистов лабораторной службы путем обучения их ускоренным 6-дневным курсом;
2. Обучение в кратчайшие сроки лаборантов СВП современным методам исследования, проведение мониторинга за проведением обучения, оказание методической и консультативной помощи;
3. Создание регулярной системы внутреннего и внешнего контроля качества лабораторных исследований.

Для решения этих задач

предусмотрено проведение ряда мероприятий, направленных на повышение квалификации и профессиональных навыков лаборантов СВП. Начата работа по их обучению. Всего планируется обучить около 3000 лаборантов. Обучение проводится каскадным методом, т.е. на первом этапе осуществляется обучение тренеров из числа опытных врачей-лаборантов областных больниц, с последующим обучением ими лаборантов СВП. Эта задача была возложена на кафедру клинической лабораторной диагностики ТашИУВ, располагающей штатом грамотных специалистов лабораторной службы, руководимой заведующим кафедрой д.м.н., профессором А. Ариповым.

(Продолжение на 6-й стр.)




2007 й
№ 2

Ўзбекистон Республикаси
Халқаро тарафидан
ADP
Осиё тарафидан
gain
Олимпоёв Яхшарбек
Габриел Алварес

«Саломатлик – 2»
«Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш»
ва «Унинг бойитиш миллий дастури» пойтахлари

«Health – 2»
«Woman and Child Health Development»
and «National flour fortification program». Projects
Проекты «Здоровье – 2»
«Укрепление здоровья женщин и детей»
и «Национальная программа по фортификации муки»




Обучение проводится частично на базе кафедры, частично сотрудники организуют

федры прошли обучение врач-лаборанты Ташкентской, Андижанской, Джизакской областей.


низованы учебные центры, оснащенные аппаратурой, компьютерами, наглядными пособиями. В основном центры по обучению лаборантов локализируются на базах центров Экстренной медицинской помощи и областных больниц.

В настоящее время в каждой области республики созданы команды тренеров, владеющих техникой работы на полуавтоматическом биохимическом анализаторе, навыками интерпретации результатов лабораторных исследований.

Тренерами - специалистами лабораторной службы республи-



РЕФОРМА ПЕРВИЧНОГО ЗВЕНА ЗДРАВООХРАНЕНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ



выездные циклы в регионах. Так, в 2007 году на базе ка-

(Продолжение.
Начало на 5-й стр.)

Выездные циклы проведены в Сурхандарьинской, Самаркандской, Бухарской областях.

Для проведения учебных циклов в каждой области были орга-

низованы учебные центры, оснащенные аппаратурой, компьютерами, наглядными пособиями. В основном центры по обучению лаборантов локализируются на базах центров Экстренной медицинской помощи и областных больниц.

За истекший год в областях республики, была проведена большая практическая работа по организации лабораторной службы при СВП. Для этого пришлось преодолевать не только технические трудности, но и рутинный образ мышления в первичном звене здравоохранения. И, несмотря на небольшой срок (один год), сдвиг в улучшении диагностической службы уже очевиден.

Для повышения эффективности учебного процесса, группой специалистов лабораторной службы было подготовлено учебное пособие по клинической лабораторной диагностике для ла-

борантов СВП. Руководство издается на узбекском и русском языках и включает в себя методические подходы к выполнению лабораторных исследований, большое количество фотографий нормальных и патологических препаратов биологического материала. Руководство будет передано, в первую очередь, в СВП, затем в учебные центры по подготовке лаборантов, центры по подготовке ВОП. Часть тиража будет представлена медицинским колледжам и ЦРБ.

Управление деятельностью созданных лабораторий и достоверность лабораторной информации требует постоянного контроля качества клинико-диагностических исследований. В связи с этим, встала очередная задача - создание национальной

системы контроля качества лабораторных исследований.

В настоящее время проводится работа по организации Республиканского центра клинической лабораторной диагностики и внешней оценки качества лабораторных исследований, включающего создание, как республиканского центра, так и территориальных филиалов во всех областях республики.

А. АРИПОВ,
зав. кафедрой КЛД, д.м.н., профессор.
Л. ФЕСЕНКО,
консультант по подготовке специалистов по лабораторному делу.
Р. МУХАМЕДИЯРОВА,
координатор проекта «Здоровье – 2».

Тошкент вилояти: Оҳангарон тумани



Мўтабар АСКАРОВА,
Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани «Бирлик» қишлоқ врачлик пункти лаборанти.

— Қишлоқ врачлик пункти-мизнинг иш бошлаганига бир йилдан ошди. Шу вақт ичида аҳолининг муассасага бўлган талаби ҳам кучайди. Айниқса, мурожаат қилиб келувчи бемор ва соғлом одамлар муассасанинг афзаллиги томонлари мавжудлигини тушуниб етмоқдалар. Гувоҳи бўлганимиздек, ҳар бир қишлоқ врачлик пунктида беморлар учун кенг имкониятлар, жумладан, кундузги даволаниш, физиотерапия, тезкор лабораторияларнинг мавжудлиги аҳоли эҳтиёжларига сифатли тиббий хизмат кўрсатмоқда. Мутахассис сифатида айтмоқчиманки, «Саломатлик-2» лойиҳаси томонидан берилган лаборатория тиббий асбоб-ускуналари аҳолини ортиқча овозагарчиликлардан ҳалос этди. Чунки, ушбу жиҳозлар ўзининг замонавийлиги билан

бир зумда чиқариб беради. Лекин бундай янги аппаратларда ишлаш осон эмас. Бунинг учун етарли малака ва тажриба талаб этилади. Буни ҳисобга олган туман марказий шифохонаси раҳбарияти «Саломатлик-2» лойиҳаси билан келишган ҳолда лаборантларни ўқув курсларида ўқитишди. Ушбу курсларда иштирок этишимга қадр янги технологиялар билан ишлаш қийин бўлди. Тошкент вилояти ва Оҳангарон тумани марказий шифохоналаридаги ўқув курсларида қатнашиб, ФЭК (фотоэлектрокалориметр), центрифуга аппаратларида муқаммал ишлашни ўрганиб олдим. Худудда 6013 нафар аҳоли истиқомат қилади. Бир кунда 5-6 нафар беморда лаборатория таҳлиллари ўтказаман. Айрим пайтлар аҳолини тиббий қирқдан ўтказишда таҳлилий жараёнлар сони ошиб боради.

(Давоми 7-бетда).

ТЕЗКОР ТАҲЛИЛ – СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИК КАФОЛАТИ

2006 йилнинг март ойида Оҳангарон туманидаги «Бирлик» қишлоқ врачлик пункти ўзининг иш фаолиятини бошлаган эди. Утган йилнинг ёз ойларида биз мазкур муассасада бўлиб, у ердаги меҳнат жараёни билан танишиб қайтгандик. Албатта, замонавий типда барпо этилган қишлоқ врачлик пунктининг ўзига хос тарзда бунёд этилганлиги худуд аҳолиси учун яратилган ягона қулайлик бўлиб, маскандаги янги тиббий асбоб-ускуналарнинг афзаллигини англаб етган аҳоли бугун ўз ҳақ-ҳуқуқларини билиб, керакли имкониятлардан унумли фойдаланмоқда.



Дил иҳзори

Бир пайтлар қон топшириш ёки бошқа таҳлиллар учун туман марказий шифохонаси поликлиникасига мурожаат қилар эдик. Мана бир йилдирки, қишлоқ врачлик пункти иш бошлаб, офиримизни энгил қилди, шу билан бирга оилавий иқтисодимизга фойда келтирди.

Айниқса, муассасадаги лабораторияда олиб борилаётган таҳлилий натижаларни ўз вақтида олаётганлигимиз бизни ниҳоятда қувонтирмоқда. Лаборант Мўтабар Аскарванинг ҳаққон, хушмуомала, таҳлилларимизни ўз вақтида тайёрлаб бераётганлигидан барча мамнун. Умуман олганда, қишлоқ врачлик пункти ходимлари меҳнати аҳоли саломатлиги учун бениҳоя катта бўлмоқда.

«Бирлик» қишлоқ аҳолиси.

Тошкент вилояти: Оҳангарон тумани

ТЕЗКОР ТАҲЛИЛ – СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИК КАФОЛАТИ



Центрифуга аппарати биохимия таҳлиллари учун ишлатилади. Унда асосан қон зардоби ажратиб олинади ҳамда сийдик чўкмаси ҳосил қилинади. Бундан олинган натижалар ФЭК аппаратидаги таҳлиллар учун қўлланилади. Бунда ишлашнинг ҳам ўзига хос нозик ва ҳушёрлик томонлари бор. Чунки, бошқариш жараёнида аппаратдан тўғри фойдаланилмаса, жузвий камчиликларга йўл қўйилиши мумкин. Шунинг учун аппаратдан оқилона фойдаланишимиз учун керакли кўрсатмалар асосида фаолият олиб боришимиз зарур, деб биламан.

Лаборатория жиҳозлари орасида **қуритиш шкафи ва дистилляторларнинг** аҳамияти ниҳо-

Ана шу каби тезкор жараёнларда лаборатория жиҳозларининг афзаллиги шундаки, беморлар навбат кутиб қолишмайди.

ФЭК (фотозлектрокалориметр) аппарати таҳлилни чиқаришда энг афзал ва кўп системали бўлиб, унда биохимик ва клиник текширувлар ўтказилади. Аппарат асосан 32 хил текширув тизимига эга. Биз эса айни қунда ушбу аппаратда 5 хил, яъни гемоглобин, глюкоза, мочевино, биллирибин ва фермент таҳлилларини олиб борамиз. Унинг тезкорлиги шундаки, гемоглобин таҳлилини 10 сонияда, қолганларини эса ярим соатда аниқлаб бериш имкониятига эга. «Саломатлик-2» лойиҳаси томонидан мазкур аппарат учун ётарлича реактивлар ажратилиб, унинг муддати 2009 йилгача белгилаб берилган. Ўтказилган ўқув курсларида мазкур аппаратда ишлаш механизмлари тажрибали мутахассислар томонидан ўргатилди. Шу боис, ФЭК аппаратида иш олиб бориш мен учун осон кечаяпти.

(Давоми. Боши 6-бетда).



ятда катта. Чунки, улар орқали таҳлилий натижаларга бўлган жараёнлар бажарилади. Дистиллятор аппарати ёрдамида оқва сувлар тозаланadi. Тозаланган сувлар асосан лаборатория асбоб-ускуналарини чайқаш ва таҳлил жараёнларини олиб бориш пайтида зарур бўлади.

Қуритиш шкафида ишлатилган лаборатор асбоб-ускуналар стерилизация қилинади. Шунингдек, лойиҳа томонидан берилган лаборатория столининг қулайлиги шундаки, унда таҳлиллар жавоби учун жавон ва махсус ёриткич лампалари ўрнатилганлиги, стуллар эса махсус тайёрланганлиги фаолиятимизда энгиллик тудирмоқда.

Ушбу аппаратлар келгунча, туман марказий шифохонаси ҳамда бир қанча ҳомий ташкилотлар томонидан лаборатория хоналарининг замон талаблари даражасида таъмирланганлиги юқоридаги янги технологияларнинг мослашувида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Мақсад — ноёб аппаратлардан тўғри фойдаланиб, халқимиз саломатлиги учун сифатли хизмат кўрсатишга эришиш.

ЗАМОНАВИЙ ТИББИЙ ТЕХНОЛОГИЯ — АФЗАЛЛИКНИНГ АСОСИЙ ТАЛАБИ



Раъно ХОЛТЎРАЕВА,
Охунбобоев қишлоқ врачлик пункти мудири.

— Худудимизда 3111 нафар аҳоли истиқомат қилади. Уларга 8 нафар ҳамшира, 2 нафар кичик тиббиёт ходими хизмат кўрсатади.

ҚВПмиз ўтган йили марказий шифохона ҳамда фермерлар томонидан тўла таъмирдан чиқарилиб, «Саломатлик-2» лойиҳасининг айрим жиҳозлари билан таъминланди. Кейинги пайтларда аҳоли орасида юқумли касалликлар, оналар ва болалар ўлими, ижтимоий касалликлар сони анча камайди. Бунинг сабаби, муассасада фаолият кўрсатаётган ҳамширалар тарғибот ва тушунтириш ишларини пухталиқ билан олиб бормоқдалар. Шунингдек, мурожаат қилиб келувчи аҳоли-

нинг тиббиётга бўлган ишончини ошириш мақсадида уларнинг тиббий ҳуқуқларида тегишли бўлган вазирликнинг айрим ҳужжатлари ва касалликка оид бўклет ҳамда маълумотлар учун алоҳида бурчакларни ташкил этганимиз.

Дори-дармон масаласига келадиган бўлсак, назоратда турувчи беморларга белгиланган тартибда керакли дориларни тарқатмоқдамиз.

Муваффақиятлар билан бир қаторда муаммоларимиз ҳам йўқ эмас. Лекин саъй-ҳаракатни су-сайтирмасдан, имкон қадар ҳар томонлама фаол ишлашимиз керак.


(Давоми 8-бетда).

Миннатдорчилик

Авалло, бизга шундай шароитлар яратаётган ҳукуматимизга минг раҳмат! Ёшим 74 да. Қариллик туфайли оёқ-белларим оғрийдиган, қон босимим ошадиган бўлиб қолди. Фарзандларим ҚВПдаги шифокорларга айтишган эди, у ердан ҳамширалар бир зумда етиб келишди. Соғлигим тўғрисида врачга маълумот беришганда, врач Раънохон келиб, аҳолимни кўргач, керакли даво олишимни айтди. Қунора ҳамширалар келиб, керакли муолажаларни ўтказиб кетишмоқда.

Уйдагиларнинг айтишига қараганда, ён-атрофлари кўбаламзорлаштирилиб, турли хил мевали дарахтлар билан ободонлаштирилган қишлоқ врачлик пунктидагилардан қишлоқ ахли миннатдор экан. Шулар қаторида мен ҳам.

Аҳмад ота, пенсионер.



Гулнора ЭҒАМОВА,
Охунбобоев қишлоғи.

ЗАМОНАВИЙ ТИББИЙ ТЕХНОЛОГИЯ — АФЗАЛЛИКНИНГ АСОСИЙ ТАЛАБИ

Дилором НИЁЗОВА, уй бекаси.

— 1996 йилдан буён фаолият юритиб келаётган ушбу қишлоқ врачлик пунктидаги врач Раъно опа ва унинг аҳил жамоаси меҳнатидан хурсандмиз. Айниқса, муомала-маданияти, билим тажрибаси етарли бўлган доя Марҳамат опа Ҳақимованинг меҳнатсеварлиги, самимийлиги ва фидойилиги барчамизнинг ишончимизни оқлаб келмоқда. Беш фарзанднинг онасиман. То фарзандларимни қўлимга олгунча, Марҳамат опанинг хизматлари катта бўлди. Шу билан бирга болаларим катта бўлгунга қадар ҳамшираларнинг доимий эътибори ва назоратида бўлдик.

Қишлоқ врачлик пунктига кириб келишимиз билан тозалик-озодлик ва яхши муҳитдан баҳри дилимиз очилади. Дикқат-эътиборимизни эса дид билан ташкил қилинган бурчаклардаги маълумотлар ўзига жалб этади. У ердаги турли хил касалликларга оид тарқатма материаллар ҳамда содда ва оддий тилда ёзилган қўлланмаларни ўқиб, касаллик тарихи, келиб-чиқиш сабаби ва унинг олдини олиш тўғрисида маълумотларга эга бўлмоқдамиз. Бир сўз билан айтганда, ҚВПдаги етарли шарт-шароитлар борлигидан мамнунмиз.



Узбекистон Республикаси
Халқаро ташаббус уюшмаси
Оқим ташаббуси
gain
Сопортлаш Бюроси
Global Access

2007 й
№ 2

«Саломатлик — 2»
«Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш»
ва «Унни бойитиш миллий дастури» лойиҳалари

«Health — 2»
Women and Child Health Development
and -National flour fortification program. Projects
Проекты «Здоровье — 2»
«Укрепление здоровья женщин и детей»
и «Национальная программа по fortification муки»



Муборак ИСРОИЛОВА,
Охунбобоев қишлоқ врачлик пункти лаборанти.

— Ушбу соҳада ишлаётганимга 30 йил бўлди. Қачонки, тўғри таҳлил бўлса, беморга ташхис қўйиш ва муолажа белгилаш осон кечади. Олдинлари ҳам бошқа лаборатория аппаратларида ишлаб келдим. Айни кунда эса замонавий лаборатория тиббий асбоб-ускуналари билан ишламоқдаман. Бундай ноёб ва қимматбаҳо аппаратларда ишлаш, ҳар бир лаборантдан янгича билим ва маҳоратни талаб қилмоқда. Шу билан бир қаторда беморлар

учун бундай қўлайликлар яратилганлиги айни муддао бўлди. Қишлоқ врачлик пунктимизда ФЭК (фотозлектрокалориметр), центрифуга, санер-5-30 аппаратларнинг мавжудлиги таҳлилий натижаларни тез ва сифатли чиқариб беришда қўл келмоқда. Янги технологиялардан фойдаланиш учун махсус ташкил этилган ўқув курсларида ўқиб қайтдим. Бунинг фойдаси катта бўлиб, аппаратлардаги таҳлилий натижаларни қийналмасдан чиқара олам.



Раҳмат сизларга!

Қиш фасли анча совуқ келиб, ўғлим Муроджон шамоллаб қолди. ҚВП ходимларига мурожаат қилдим. Улар керакли муолажаларни ўз вақтида ўтказганликлари сабаб, болам дарддан тезда фориғ бўлди. Шамоланинг асорати бўлса керак, оз фурсат ўтиб Муроджон яна безовталана бошлади. Шифокор куригидан ўтгач, физиотерапия муолажаси тавсия қилинди. Айни пайтда ўз вақтида даво муолажаларини кечиктирмай олягимиз. Уғлимнинг аҳволи анча яхши. Уларнинг кўрсатган беминнат хизматларига катта раҳмат айтаман.

Сайёра ЭРБОЕВА,
уй бекаси.

Биз Оҳангарон туманидаги «Бирлик» ва Й. Охунбобоев номли қишлоқ врачлик пунктларида бўлиб қайтганимизда, уларга «Саломатлик-2» лойиҳаси томонидан берилган лаборатория аппаратлари халқ эҳтиёжи учун қўлланилаётганлигининг гувоҳи бўлдик. Шунингдек, аппаратларда ўқув курсини тугатиб қайтган тажрибали лаборантлар фаолият олиб бораётганлигидан кўнглимиз тўлди. Ана шундай ноёб аппаратларни асраш, уларда тўлақонли иш олиб бориш мутахассис учун катта масъулият бўлса, унинг самараси эса инсон саломатлиги гаровидир.

ФАОЛИЯТ ВА ТАЪЛИМНИНГ УЗВИЙ БИРЛИГИ



(Давоми. Боши 1-бетда).

Тўлқин ҒУЛОМОВ,

Тошкент вилояти, Бўка тумани марказий шифохонаси бош шифокорининг бирламчи тиббий-санитария ёрдани кўрсатиш бўйича муовини.

— Икки кунлик ўқув семинари ниҳоятда қизгин баҳс-мунозараларга бой бўлди. Тажрибали мутахассислардан Назира Нармухаммедова, Роҳатой Нурмухаммедова ҳамда Дилрабо Урунованинг олиб борган машғулотидаги фикрлар оддий кўринсада, унинг туб замирида инсон учун қимматли бўлган меҳр-оқибат, муомала-маданиятининг бир-бирига боғлиқлиги ва фаолият давомида ижобий самара беришини юракдан ҳис этдик.

Уйлайманки, ушбу семинарда иштирок этган барча ҳамкасбларимиз олган назарий қўникмаларини иш жараёнларида қўлайдилар. Бундай семинарлар ҳали кўп бора ўтказилишига ишончимиз комил. Ва тадбирни ташкил этган «Саломатлик-2» лойиҳаси ҳамда мутасадди ташкилотларга ўз миннатдорчилигимизни билдириб қоламиз.

Бўлиб ўтган икки кунлик ўқув семинар иштирокчиларнинг билим қўникмаларини бойитди. Улар олган билимлари асосида лойиҳанинг махсус сертификатига эга бўлдилар.

Совместное бюро реализации проектов «Здоровье-2», «Укрепления здоровья женщин и детей».
Директор — Расулов Нугмон Нигматуллаевич.
700007,
г. Ташкент,

ул. Паркентская, 51,
ТашИУВ, Административный корпус, 3-й этаж.
Контактные телефоны: 68-08-19, 67-73-47.
Факс: 68-25-39, E-mail:
office @ jpb.uz. com.uz.

Лойиҳа материалларини Ибодат СОАТОВА тайёрлади. Суратлар муаллифи: Намоз ТОЛИПОВ.



«Саломатлик-2» ҳамда «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» лойиҳаларини амалга ошириш бўйича қўшма бюроси «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш — Здравосохранение Узбекистана» газетаси фотомухбири

Асен НУРАТДИНОВнинг вафот этганиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изхор этади.

Республика Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази марказнинг дизайн-дефекция бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи Зулфия Сайлиевага волидаи муҳтарамаси

Рикия СИДИҚОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардик билдиради.

Газета муассиси:
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Бош муҳаррир:
Нодир ШАРАПОВ
Ижрочи муҳаррир: Ибодат СОАТОВА

Таҳрир хайъати раиси:
Феруз НАЗИРОВ

Таҳрир хайъати аъзолари:
Бобур Алимов, Гавҳар Исмолова, Омонтурди Миртозаев, Озода Муҳитдинова, Бахтиёр Ниёматов, Абдурахмон Носиров, Нурмат Отабеков, Холмурод Раббаев, Рихси Салихўжасва, Намоз Толипов, Марш Турумбетова, Абдулла Убайдуллаев, Фарҳод Фузайлов.

Манзилимиз: 700060, Тошкент шаҳри, Охунбобоев кўчаси, 30-уй, 2-қavat.
Тел/факс: 133-57-73, тел.: 133-13-22.
Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йилнинг 6 декабрь кунини рўйхатга олинган, гувоҳнома рақами 0015.
Ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтаинг сешанба кунлари чиқади. Мақоалалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash — Здравоохранение Узбекистана» газетасида олинди, деб кўрсатилиши шарт.
Адади 8160 нусха. Буюртма Г-250.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Оффсет усулида босилган.
Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Саҳифаловчи: Бахтиёр ҚУШОҚОВ.
Оператор-дизайнер: Намоз ТОЛИПОВ.
Босмахонага топшириш вақти — 20.00.